

**Боқиева Г. Ҳ., Маҳкамова Г. Т.,  
Аҳмедова Л. Т., Қўлдошев А. М.**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАР  
ВА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ**

**МЕТОДИКА ПОДГОТОВКИ ВЫПУСКНЫХ  
КВАЛИФИКАЦИОННЫХ РАБОТ И  
МАГИСТРСКИХ ДИССЕРТАЦИЙ**



**Тошкент - 2006**

*Боқиева Г. Ҳ., Маҳкамова Г. Т., Аҳмедова Л. Т.,  
Қўлдошев А. М.*

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАР  
ВА МАГИСТРЛИК  
ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ  
МЕТОДИКА ПОДГОТОВКИ  
ВЫПУСКНЫХ  
КВАЛИФИКАЦИОННЫХ РАБОТ И  
МАГИСТРСКИХ ДИССЕРТАЦИЙ**

*Тошкент — 2005*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Масъул муҳаррир:

филология фанлари номзоди, доцент А.Ирискулов

Муҳаррир: К.Муллахўжаева

Такризчилар:

педагогика фанлари номзоди, доцент К. Н. Набиева,

филология фанлари номзоди, доцент Н.М. Қамбаров

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан лисоний олий таълим муассасалари бакалавриатура ва магистратура босқичлари талабаларига битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ёзиш бўйича йўриқнома сифатида тавсия этилади. Унда битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларининг тузилиши, мазмуни ва уларни расмийлаштиришга доир асосий талаблар баён қилинган.

Данное пособие выполнено на узбекском и русском языках и предназначено для оказания методической помощи студентам бакалавриатуры и магистратуры языковых вузов в ходе подготовки выпускных квалификационных работ и магистерских диссертаций по лингвистическим аспектам и методике преподавания иностранных языков.

В пособии излагается содержание основных разделов квалификационной работы и магистерской диссертации и необходимые требования к их написанию и оформлению.

8 окт. 2004 г. Пр. № 3

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Асосий қоидалар.....	6
Мавзу танлаш ва уни асослаш.....	7
Битирув малакавий иш ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш. Уларга қўйиладиган асосий талаблар.....	10
Битирув малакавий иш ва магистрлик диссертациясининг асосий мазмуни.....	23
Битирув малакавий иш ва магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик, уни ҳимоя қилиш.....	31
Илова.....	36

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларининг кенгайиши ҳамда таълим соҳасидаги давлатлараро интеграция бутун таълим системасини, ёш авлодни тарбиялаш жараёнини тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Халқ таълими системасининг босқичлари, яъни мактабгача таълим, ўрта ва махсус таълим, профессионал тайёргарлик ёшларнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишишини таъминловчи бўлишмалар бўлиб, уларни умумий, яхлит бирлик деб қараш замон талабларидан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасида таълим системасини ривожлантириш, жамиятда замонавий ислохотларни изчиллик билан ўтказиш, келажакда юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашни назарда тутади. Бу, ўз навбатида, янги авлоднинг маънавий етук, профессионал, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги турли муаммоларни ечишда фаол кадр бўлиб етишишига хизмат қилади.

Олий ўқув юртларининг муҳим вазифаларидан бири, бу — илмий-тадқиқот салоҳиятига эга бўлган ёшларга ижодий ва танқидий фикрлашни ўргатишдир. Филология факултетлари битирувчилари фақат аниқ билимлар заҳирасинигина эмас, балки илмий иш услуби ва аналитик фикрлаш кўникмаларини ҳам эгаллашлари лозим. Илмий адабиёт билан ишлаш, етарли даражада ҳал этилмаган долзарб муаммоларни тўғри аниқлай олиш, амалдаги тил ҳолати ва унга боғлиқ бўлган турли жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, умумлаштириш, изланишлар натижаларининг аниқ, изчил ва мантиқли бўлишига эришиш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Танқидий фикрлаш қобилияти эса, объектни таҳлил қилиш, қиёслаш ва изоҳлаш, ундан фойдаланиш, эскича қарашларни янгилаш, муаммоларни ечиш ва фикрларни объектив баҳолаш сингари фаолият турларида яққол кўринади. Талабаларнинг танқидий фикрлаш кўникмалари бевосита олий ўқув юртлари томонидан бериладиган тавсиялар асосида ривожлантирилади. Шу боис курс лойиҳаларини тайёрлаш ва битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини ёзишда мазкур қўлланма ёш тадқиқотчилар (бакалавриатура ва магистратура талабалари)га,

лингвистика йўналишидаги фаоллар (назарий грамматика, назарий фонетика, лексикология, стилистика, таржима тарихи...) ва чет тили ўқитиш методикаси бўйича илмий ишларга раҳбарлик қиладиган ёш ўқитувчиларга мўлжалланган.

Қўлланмада магистрлик диссертациялари, битирув малакавий ишларининг асосий қисмлари мазмуни ва уларни тайёрлашга оид олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қўйилган талаблар кўрсатилган. Бакалавриатура талабаларининг битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларининг илмий аппарати тилшунослик фанининг турли аспекти ва чет тили ўқитиш методикаси бўйича айрим яқуний ишлар мисолида кўрсатилган. Қўлланмада тадқиқот ишларига илмий раҳбарликнинг амалга оширилиши, илмий ишларни ёқлашни ташкил этиш ҳамда бажарилиш сифати баҳолаш ҳақида ҳам маълумот берилган.

Бакалавриатура ва магистратура талабалари айрим олинган фикрларни яхлит тарзда боғловчи илмий матн ва сўзлар компрессияси қоидаларини яхши билишлари зарур, чунки бу жиҳат ишда ўз аксини топади.

Иловада битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси титул варағининг намунаси (Илова 1.1), илмий раҳбарнинг ёзма тақризухулосаси шакли намунаси (Илова 1.2), ҳимояга қўйилган ишга кафедра томонидан берилган хулоса (Илова 1.3), битирув малакавий ишига берилган тақриз (Илова 1.4), расмий оппонентнинг магистрлик диссертациясига берган тақризи (Илова 1.5) ва магистрлик диссертациясининг Давлат Аттестация Комиссияси (ДАК) аъзоларига тақдим этиладиган аннотацияси намуналари (Илова 1.6) берилган.

## АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Битирув малакавий иши (БМИ) ва магистрлик диссертацияси (МД) олий ўқув юрти битирувчи курс талабаси томонидан мустақил ёзилган илмий иш ҳисобланади. Малакавий ишнинг мақсади чет тили бўйича олинган назарий ва амалий билимларни, ҳамда тўрт йил ўқиш мобайнида эгаллаган оғзаки ва ёзма нутқ кўпикма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборат. БМИ ва магистрлик диссертациясини ёзиш ва шакллантириш жараёнида илмий ва танқидий фикрлаш қобилияти шаклланади, мустақил илмий иш ёзиш малакалари ривожлантирилади.

Тилшунослик йўналишидаги фанлар ва чет тилини ўқитиш методикаси бўйича БМИ ва МДларини ёзиш умумий қоидалари (расмийлаштириш стандартлари) бир хил бўлганлиги сабабли, биз юқорида айтиб ўтилган фан соҳалари бўйича БМИ ва МДларини ёзишга алоқадор умумий методик тавсиялар берамиз. Бу ўринда улар ўртасидаги айрим фарқли томонларга тўхталиб ўтамиз.

Тил — мулоқот воситаси бўлиб, уни тўғридан-тўғри кузатиб бўлмайди. Фақат шахснинг нутқ фаолиятини, нутқ натижаси — яъни матнни кузата олиш мумкин. Кузатувларимиз натижаларини умумлаштирсак, биз матнлар йиғиндисига эга бўламиз. Лекин бу ҳали тил эмас, балки фақатгина тил материалидир (Л.В.Щерба атамаси) ва у ҳар доим ҳам луғат ва грамматика китобларида аниқ қайд этилмаган.

Тилшуносликнинг моҳияти — бу тил воситаларини тадқиқ қилиш, лингвистик изланиш ва таҳлилнинг методологияси ҳисобланади. Ҳозирги замон тилшунослигида тилнинг прагматик томонига катта аҳамият берилмоқда. Прагматика сўзи, практика сўзига яқин бўлиб, грек тилидаги “прагма”, яъни “ҳаракат” сўзидан келиб чиққан. Прагматика инсон фаолиятининг турли жабҳаларида тил фактларининг тутган ўрни ва умуман, белги системаси унсурларини изоҳлаб беради. Демак, у тилни қўлланиш жараёнида ўрганади.

Методика фанининг моҳияти — ўқитиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва изланиш сўнгида илмий-назарий, методик ва илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Шундай қилиб, тилшуносликда тил, унинг системавий тузилиши, семантик-синтактик жиҳатларининг ўзига хослиги, уларнинг нутқдаги вазифаси каби масалалар ўрганилади.

Методикада эса тил ўргатишнинг мақсадлари, мазмуни, воситалари, услуб ва усуллари ўрганилади.

Шу сабабли тилшунослик ва тил ўқитиш методикаси турли хил объект, предмет, изланиш методи ва ҳоказоларга эга.

Бакалавр ва магистрлар илмий тадқиқотлари лингвистик аспектлар ва (ЧТ) ўқитиш методикаси бўйича бир хил босқичларга эга [6,7,11]:

- мавзу долзарблигини асослаш;
- мақсад ва вазифаларни қўйиш;
- тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш;
- методларни танлаш;
- тадқиқот натижаларининг муҳокамаси;
- хулосалар чиқариш ва эришилган натижаларни баҳолаш.

Лекин чет тили ўқитиш методикаси фанидан ёзиладиган илмий ишларда тадқиқот фаразини илгари суриш ҳам амалга оширилади ва бу фараз тажрибавий текширувлар натижаси билан исботланиши лозим (қараиш 19-бет).

Тадқиқотнинг айтиб ўтилган босқичларини батафсилроқ қўриб чиқамиз.

## МАВЗУ ТАНЛАШ ВА УНИ АСОСЛАШ

Изланиш муаммоси ва тадқиқот объектига ёндашув масалалари. Талабалар ва магистрлар илмий ишларининг муваффақияти уларнинг яхши назарий тайёргарлиги ва ишлаш қобилиятларигагина эмас, балки муаммо ва тадқиқот йўналишларининг тўғри танланганлигига ҳам боғлиқ. Илмий изланиш мавзуси ва йўналишлари материалнинг ўрганилганлиги, ҳамда талаба ва магистрларнинг қизиқиш ва мойилликлари даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Шунинг учун изланувчи турли йўналишлар мавжудлиги ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топишга қандай ёндашиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши шарт. Ишлар билан боғлиқ бўлган тил ҳодисалари табиатан кўп бўлганлиги учун, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси мавзуларини танлаш имкониятлари кенг ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мавзуси 7-семестр бошида тегишли кафедра йиғилишида тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясининг мавзуси биринчи курснинг иккинчи



семестри бошида кафедра йиғилишида илмий раҳбар иштирокида магистратура илмий кенгаши томонидан тасдиқланади (3.555 ).

Қатор чет эл университетларида БМИ талабанинг махсус семинарлардаги меҳнати натижаси ҳисобланади. Талабага ушбу мавзуга яқин курс ишлари ва умумий муаммоларга доир саволлар берилади. Сўнгги босқичда талаба ва раҳбар биргаликда изланишларнинг йўналишини белгилаб оладилар. Бироқ, кўп ҳолларда мавзу танлаш талаба томонидан амалга оширилади. Мавзулар рўйхати кафедра томонидан ишлаб чиқилади. Мавзу танлаш жараёнида талабанинг илмий изланишлари, қизиқиши, ва назарий тайёргарлигини ҳисобга олиш муҳим. Биринчи навбатда, талабани қандай мавзуда изланишлар олиб бориш кўпроқ қизиқтириши аниқлаб олинishi керак. Малакавий ишнинг мавзуси талабанинг илмий ва амалий қизиқишларига мос келиши лозим. Бу, биринчи навбатда, мунтазам равишда мавзу бўйича керакли маълумот тўплаган ва кафедра қошидаги илмий тўғарақларда, кафедралардаги турли конференциялар ҳамда талабалар илмий жамияти танловларида қатнашган талабаларга тегишли. Чет тилини ўқитиш методикаси бўйича БМИ мавзусини танлашда талабаларнинг қайси бири мавзу бўйича тўлиқроқ материал йиға олиш ва Ўзбекистон Республикасидаги турли ўқув муассасалари тажрибасидан кенг фойдаланиш имкониятига эга эканлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Тилшунослик бўйича БМИ ва МДга мавзу танлашда талабанинг келгусида филология фанлари соҳасида мутахассис бўлиб етишишини эътиборга олиш, бу соҳанинг асосий йўналишларига хос бўлган муаммоларни чуқур ўрганиши, ва ўрганилаётган чет тилидаги илмий муаммоларни амалий кўникмалар билан биргаликда қўллашига аҳамият бериш.

Одатда, БМИлари ва МДларда муаммо муайян ракурсда очиб берилади. МДда эса бу нарса тўлиқроқ очиб берилиши ҳам мумкин.

Изланиш йўлидаги турли мушқуликлар, кўп ҳолларда мавзу билан биринчи танишиб чиққанда аниқ кўринади, иш жараёнида эса муаммонинг янги қирралари очилади. Изланувчи ўз ишига шўнғиб кетади, лекин биринчи режа қониқарли бўлиб чиқмайди. Шунда бу ишдаги муаммонинг сабабларини аниқлаш истаги туғилади ва бу ўз навбатида ишнинг тузилишига ҳам ўзгартиришлар киритишга олиб келади.

Илмий изланиш муаммоси ва мавзу йўналиши аниқ, асосланган бўлиши, ўрганилаётган материалнинг ўрганилганлик даражаси билан аниқланиши керак.

Берилган муаммони ҳал қилиш учун масаланинг қайси томонлари ўрганилмай қолганлигини эътиборга олиш ва шунга асосланган ҳолда изланишнинг мақсад ва моҳиятини белгилаб олиш зарур. Бу битирувчи талабадан ўрганилган илмий адабиётлари яхши билиш, улардан ўз ишида унумли фойдалана олиш ва муаммо ечимига ижодий ёндашишни талаб қилади. Шу тариқа илмий изланишни мавжуд илмий адабиётни ўрганиш, умумий ишлар билан танишиш ва шу масалага оид тил фактларини йиғишдан бошлаш керак. Бу ўрганилаётган масалаларнинг асосий мавзулари ҳақида аниқ тасаввурнинг шаклланишига ва танланган мавзунини тўғри ёритишга ёрдам беради.

Зарур материаллар йиғилгандан сўнг изланувчи (тадқиқотчи) уни ўрганишга киришади. БМИ ва МД муаллиф мутахассислиги бўйича ёқлайдиган диссертациясида ўзининг асл маибалар устида мустақил ишлаш олишини намоён қилиши керак.

Бошланғич маиба ёки танқидий адабиёт билан ишлаганда талабалар кўпинча иқтибосларни тартибсиз тарзда ёзиб олишади. Бундай ёзувли иқтибослардан фойдаланиш қийин, чунки бундай ёзилган маибалардан бирор-бир маълумот олиш кўп вақт ва куч талаб этади.

Адабиётларни ўрганишда ишни тўғри ташкил этиш нафақат меҳнатни энгиллаштиради, балки материални қайта кўриб чиқиш имконини беради. Илмий матн услубини кузатиш, тилшунос ва методистларнинг асосий назарий фикрларига кўра гуруҳлаш, танлаб олиш, қайд этилган материални ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида уларни системалаштиришни энгиллаштиради.

Ўқитиш жараёнида юзага келган у ёки бу фикр шартли белгилар билан белгиланиб алоҳида варақларга ёзилади. Бир-бирига яқин изоҳ ва қайдлар олинган маиба кўрсатилган ҳолда бир руки остида бириктирилади.

Ҳар бир боб кичик параграфларга бўлиниб кетиши мумкин. Номлар (шартли ёки етарлича аниқ бўлмаган ҳолда ҳам) материални системалаштириш имконини беради, режалаштирилган жойда бирор бобнинг пайдо бўлиши ва бошқаларининг етишмаслиги ишда очилиши лозим бўлган муаммолар кўламини белгилайди.

Бундай йўсинда системалаштирилган материални тушуниш ва унинг

асосида хулоса чиқариш осон. Шунинг эса тутиш лозимки, нимаики қайд этилмасин (матндан кўчирмалар, ўзгаларнинг фикрини айтиб бериш, ўқилган матн бўйича ўз фикрини баён қилиш), уларнинг аниқ манбаси кўрсатилиши ва улар иқтибос тарзида расмийлаштирилиши керак. Ўқилган материалга тадқиқот иши давомида қайта мурожаат қилишга тўғри келади, қайдларнинг бетартиблиги эса вақтнинг бекор кетишига сабаб бўлади. Хотирага таялган, ҳолда ўз фикрларини ёзиб олмаслик йўлини тутишни оқлаб бўлмайди. Пайдо бўлган фикр ёддан кўтарилиши мумкин, лекин ёзиб олинган фикрлар эса шу ҳужжатга янгича بازار билан қаралаётганда, фикрлаш оқимини жооплантиришга хизмат қилиши мумкин.

Изланиш мавзусининг йўналиши ва муаммосини тўғри аниқлаб олиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Ҳатто бир хил материал устида турлича ёндашув асосида олиб бориладиган изланишлар ҳам турлича натижа билан якунланиши мумкин.

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ ВА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ. УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

БМИлари ва МДлари ўз ички тузилиши бўйича тўлиқ, тугалланган ва мустақил тадқиқот иши бўлиши шарт. Унда компиляция, рефератлаш, аннотациялаш ва илмий тадқиқот элементлари бўлиши мумкин. Гарчи компиляция мустақилликка даъво қилмаса ҳам манбаларни системалантиришининг, танқидий таҳлил, янги мисолларни кўриб чиқиш, тақдим этилган тадқиқот маълумотлари ва далил-исботлари муаллифнинг мустақил изланаётганини кўрсатади. Муаллиф томонидан таклиф этилган янги қарорлар қатъий исботланиши ва бошқа машхур қарорларга нисбатан танқидий баҳоланиши зарур. Ишни шакллантириш манбалар ва танқидий адабиётни ўрганишдан бошлапади. Ушбу жараёнда қандай масалалар асосий ўрин тутиши, мавзунини очиб бериш учун кириш ва хулосадан ташқари неча боб зарурлиги ойдинлашиб қолади.

БМИ ва МДнинг таркибига қуйидаги қисмлар киради: титул варағи, муқдарижа, шартли белгилар ва таянч сўзлар рўйхати, кириш қисми, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, илова.

Титул варағи ЎзРУ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

йўриқнома ҳужжатида баён қилинган талабларга мос ҳолда расмийлаштирилади.

БМИнинг ва МДнинг мавзуси аниқ, қисқа (10 сўздан кам) ва илгари сурилган муаммони аниқ очиб бериши керак. Қисқартмалардан фойдаланиш тавсия этилмайди. МД ва БМИнинг номланишида тадқиқ қилинаётган муаммо, ишнинг тугаллиги ўз ифодасини топади, шунингдек, тадқиқот объекти белгилаб олинади. (5. 6 –7).

**Мундарижада** боблар ва параграфлар номлари ва улар жойланган саҳифалар рақамлари кўрсатилади. БМИ икки бобдан иборат бўлиши, МДси эса 2-3 бобдан ташкил топиши мумкин. Қабул қилинган шартли белгилар, таянч сўз ва атамалар рўйхати мундарижадан кейин берилади ва уларни изоҳлаш керак. Бу БМИ ва МД матнини рецензент ёки расмий оппонент томонидан ўқиш ва тушунишни енгилантиради.

**Кириш** қисмида БМИ илмий аппарати тартиби қуйидагича берилади:

- тадқиқот муаммосининг ишланганлик даражаси ва долзарблиги;
- тадқиқотнинг объекти ва предмети;
- тадқиқотнинг асосий мақсади;
- тадқиқотнинг асосий вазифалари;
- тадқиқот услублари;
- тадқиқотнинг янгилиги;
- тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Илмий ишнинг ҳар бир муаллифи ўзидан аввал ўтган олим ва мутахассисларнинг тажрибасига суянади, бу эса мазкур масала юзасидан аниқланган билим қўламини кенгайтириш ва ҳаммага маълум бўлган фикрларни такрорламаслик имконини беради. Адабиётлар билан танишиб ҳамда иш муаммосини аниқлаб олгач, БМИ ёки МД муаллифи тадқиқот учун танлаб олинган мавзунинг ўрганилганлик даражасини кириш қисмида аниқ асослаб бериши ва мазкур мавзу (масалан, муаммолар)нинг илмий адабиётларда ўрганилганлик ҳолатига тавсиф бериши, уни қизиқтираётган муаммоларнинг илмий тадқиқотларда қай даражада ёритилганлиги ва бу масаланинг қайси томонлари қўшимча ўрганилиши ва аниқланиши лозимлигини баён қилади. Бошқача айтганда, “Кириш” қисмида муаллиф мазкур мавзу ва муаммонинг кимлар томонидан ўрганилганлиги, у кимлар билан ҳамфикр бўлганлиги ва ўз олдига қўйган вазифаларни бажаришда уларнинг қарашларига қай даражада суяниши мумкинлиги ҳақида ёзиб, ўз қарашларига зид бўлган фикрларни илгари сурган муаллиф ва илмий манбалар ҳақида батафсил маълумот беради, улар қарашларининг асоссиз эканлигини

исботлайди. Агар илгари сурилган қарашлар асоссиз эканлигига етарли далиллар бўлса, улардан муаллиф кейинроқ ҳам танқидий ҳукм ва хулосалар чиқаришда фойдаланиши мумкин. Тадқиқ этилаётган муаммо хусусида муаллифга фикрдон ва қарши фикр билдирган олим ва мутахассислар томонидан ўрганилганлик даражасини таҳлил қилиш асосида олиб бориладиган тадқиқотнинг истиқбол йўналиши белгиланади [7, 41]. Шу йўл билан мазкур тадқиқотнинг *долзарблиги* асослаб бериллади. Сўнгра тадқиқотнинг *объекти ва предмети* аниқланади. Ўрганилиш зарурияти бўлган ва муаммоли ҳодиса тадқиқот *объекти* бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унинг сирасига режалаштирилган тил элементларининг функционал хусусиятлари, тил бирликларининг структуравий, семантик тавсифи, прагматикаси, мазмун режасини ва ифода режасини хусусиятлари ва ҳоказолар киради.

Тадқиқот *предмети* ўрганиш объектининг доирасида бўлади. Изланишнинг бир объекти турли тадқиқот ва илмий йўналишлар учун предмет бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тадқиқот предмети тадқиқот мавзуси билан мос тушиши керак.

*Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.* *Тадқиқотнинг мақсади* — бу тадқиқотчи эришмоқчи бўлган нарса бўлиб, у тадқиқот мавзуси билан бевосита чамбарчас боғлиқ. Мақсаддан ишнинг асосий вазифалари келиб чиқади. Мақсад битта ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларни бажариш талаб этилади. Вазифаларни баён этиш муҳим аҳамиятга эга, чунки у ишнинг мазмуни ва тадқиқот босқичларини белгилаб беради. Фанда вазифаларни ифода этувчи бир қатор атамалар мавжуд бўлиб улар асосан қуйидагилардир: *ўрганиш, тасвирлаш, аниқлаш, қайд этиш, таҳлил қилиш, ойдинлаштириш, ёритиш, илгари суриш.*

*Тадқиқотнинг янгилиги* деганда, мазкур иш муаллифининг мана шу мавзуга оид аввалроқ олиб борилган изланишлардан фарқ қилувчи бирор-бир нарсага эришганлиги тушунилади.

Агар гап талабанинг БМИ ҳақида кетар экан, *тадқиқотнинг янгилиги* ҳақида ёзиш учун у қуйидаги ибораларни қўллаши керак, масалан: *лугат таҳлил этилди ва қуйидагилар аниқланди*, ва ҳ.к; методика фани бўйича эса: *ишлаб чиқилди, аниқлик киритилди*, ва ҳ.к.лар МДда янгилик даражаси БМИдагига қараганда юқорироқ даражада бўлиши лозим, чунки магистрлик диссертациясининг ҳажми изланаётган муаммони кенгроқ кўриб чиқишга имкон беради.

Тадқиқот илмий аппаратиши расмийлаштиришни мисоллар билан кўриб чиқамиз. Бу бизга тадқиқот объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини чуқурроқ тушуниб олиш, шунигдек тилшуносликнинг баъзи бўлимлари ва чет тили ўқитиш методикаси фанидан тадқиқот ингилигини аниқлаш имконини беради.

**Назарий грамматика ва қиёсий типология фанлари бўйича мисоллар.**

“Назарий грамматика” фапи бўйича тадқиқот мавзуи: “Ҳозирги замон инглиз тилида равиш ва предлогларнинг омонимик алоқалари”. Тадқиқот *объекти* сифатида ёрдамчи ва маъно билдирувчи сўзлар даражасидаги грамматик омонимиянинг мавжудлик хусусиятлари олинади. Тадқиқот *предмети* эса, қуйидагилардир: аниқ нутқ актида равиш ва предметларнинг омонимик шакллари.

Тадқиқотнинг *мақсади* матндаги равиш ва олд кўмакчи (предлог) ларнинг омонимик алоқаларини аниқлашдир. Бу мақсадга етиш қуйидаги умумийликдан хусусийликка йўналтирилган вазифаларни бажаришни тақозо этади:

- инглиз тилидаги грамматик омонимия ходисаси ва унинг прагматика аспектида аке этиши имкониятларини ўрганиш;
- грамматик омонимиянинг турли таснифларини кўриб чиқиш;
- равиш ва предлогларни лексик-грамматик таҳлил қилиш;
- нутқда учрайдиган айрим равиш ва предлоглар ўртасидаги омонимик алоқаларни аниқлаш.

Мисол учун қиёсий типология фанидан “Инглиз ва ўзбек тиллардаги замон шаклларининг қиёсий типологик таҳлили” деб номланган яна бир мавзуни олиб кўрамиз.

Бунда тадқиқот *объекти* бўлиб инглиз ва ўзбек тиллари замон тизимидаги ин-харакатни билдирувчи грамматик шакллар — инглиз ва ўзбек тилларидаги шу маънони ифодаловчи замон шакллари хизмат қилади. *Тадқиқотнинг предмети* бўлиб инглиз тилидаги перфект замони ва ўзбек тилидаги мос келувчи замон шаклларининг ўхшаш ва фарқли томонлари хизмат қилади. Тадқиқотнинг *мақсади* эса инглиз ва ўзбек тилларидаги замон шаклларини қиёсий — чоғиштирма таҳлил қилишдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- инглиз тилидаги замон шаклларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

— замон шакллариининг ҳозирги замон инглиз тили замон-аспект шакллари орасида тутган ўрни;

— инглиз ва ўзбек тилларидаги замон маъносини ифодаловчи шакллари қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

— инглиз тили замон шакллари ва ўзбек тилидаги шунга мувофиқ маъноларни ифодаловчи замон шакллариининг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш.

Мавзунини тадқиқ қилган талаба ўзи олиб борган қиёсий-типологик таҳлил натижасида бажарилган иш-ҳаракат ифода этилган структура ва унинг маъно режасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлайди ва бу мазкур *тадқиқотнинг янгилигини* ташкил этади.

### *Чет тили ўқитиш методикаси бўйича мисоллар:*

Мавзу: “Лисоний олий ўқув юртларида аналитик ўқиниш машғулотларида баҳсланишга ўргатиш методикаси.”

Лисоний олий ўқув юртларидаги оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти дарсларида баҳс олиб боришни ўргатиш жараёни тадқиқот *объекти* бўлиб хизмат қилади.

Баҳсларнинг тузилиши, қатлам ва шакллари тадқиқот *предмети* сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот *мақсади* аналитик ўқиниш дарсларида баҳсланишга ўргатиш методикасини ишлаб чиқиндир.

#### *Тадқиқотнинг вазифалари.*

— Назарий жиҳатдан ва амалиётда муаммонинг ўрганилганлик ҳолатини кўриб чиқиниш;

— мунозара ва баҳс ўтказишнинг лингводидактик асосларини аниқлаш, уни амалга ошириш тамойилларини шакллантириш ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш;

— баҳслар шакли, қатламлари ва структурасини кўриб чиқиниш;

— талабада танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, баҳслаша олиш ва ўз нуқтаи назарини далиллаб бера олиш малакаларини шакллантириш учун машқлар комплексини яратиш;

— лисоний олий ўқув юртлари 3-курсда ўқитиладиган аналитик ўқиниш дарсларида баҳслар ўтказиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиниш.

Мазкур мавзу бўйича *тадқиқот янгилиги* баҳс юритиш кўникмаларини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, йўл-йўриқларни аниқлашдан, 3-курс талабаларининг аналитик ўқиниш

манфулотларида баҳслар ўтказиш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Тадқиқотга ёндашув ва унинг методларини танлаб олиш талабалар илмий ишнинг муҳим босқичи бўлиб саналади ва фактик материални тўйланнинг куроли бўлиб хизмат қилади, бу эса қўйилган мақсадга эришишнинг зарурий шартидир.

Тилшунослик ва чет тиллари ўқитиш методикаси бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда ёндашув ва методлар масаласи турлича бўлганлиги муносабати билан уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Тилшуносликда тил ҳодисаларини тадқиқ қилишнинг қўйидаги ёндашувлари мавжуд: диахрония — тил ёки тил ҳодисаларининг ҳозирги давргача бўлган тарихи ва ўзгариш шарт-шароитларини аке эттиради; синхрония — тил ёки тил ҳодисаларининг ҳозирги ҳолатини ўрганади.

Тилшуносликда бир қанча илмий тадқиқот методлари борки, улар, одатда у ёки бу ҳодиса ёхуд ҳодисалар гуруҳини ўрганиш усул ва қоидаларининг йиғиндисидан иборат (9,213) бўлади.

Тадқиқот методи айни пайтда изланиш аспекти бўлиб хизмат қилади, ва у ёки бу метод, методика (техника, процедура)га эга бўлган тадқиқот усуллари, улардан қай тарзда фойдаланиш, ҳамда олинган натижаларни тасвирлаш усулларини ўз ичига олади ва уларнинг қай тарзда ва қандай ҳажмда бўлишини белгилайди.

### *Тадқиқот методлари*

1) *Қиёсий таҳлил*. Бу метод ёрдамида бир тил, қариндош тиллар ёки қариндош бўлмаган тиллардаги таҳлил этилаётган ҳодисаларнинг умумий ва хусусий хоссалари аниқланади. Тил унсурларининг (морфологик, фонетик, семантик, синтактик қатламларида ) қиёсий таҳлили жараёнида уларнинг структуравий хусусиятлари, ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари аниқланади. Қиёсий таҳлилнинг натижалари ва ўзига хос хусусиятларидан таржима назарияси ва амалиётида ҳамда хорижий тилларни ўқитиш методикасида фойдаланиш мумкин.

2) *Бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи*. Бунда сўзларнинг бир-бирига боғлиқлик йўллари аниқланади. Ушбу метод жуфтлик ва иккиланганлик тамойилига асосланган. Унда янада майдароқ қисмларга ажраладиган икки таркибий унсур таҳлил қилинади. [6. 148 - 149]. Масалан: "long – legged boy" сўзи таҳлил этилади ва унинг таркибини ташкил этувчилар кириши (сўзлар, суффикслар ёки қўшимчалар)



аниқланади ёки перфект замон шакли қандай ташкил этувчилардан иборат ва бу ташкил этувчиларнинг функциялари нимадан иборат эканлиги ўрганилади.

3) *Дистрибутив метод* бир қанча таҳлил усулларини ўз ичига олиши мумкин — валентлик, дистрибуция (ўзбек тилшунослигида “ўрам” шаклида қабул қилинган) (масалан: “to make smith”, to make smb. do smith. Бу бирикмаларни ташкил этувчи қисмлари турлича ўрамда турипти ва маънолари ҳам турлича. Биринчи мисолда “бирор нарса қилмоқ” маъносини берса, иккинчисида “кимнидир нимадир қилишга мажбур қилмоқ” маъносини беради). Ёрдамчи дистрибутив модел тушуначалари ҳам мавжуд бўлиб бунга кўра “to talk,” “to say”, “to speak” сўзларининг ишлатилиши ва маъно кўлами изоҳлаб берилади. Дистрибутив таҳлил турли дистрибутив моделларда турли хил лексик маъноларни топишга ёрдам бериши мумкин (9. 231—232).

4) *Трансформацион таҳлил* тил тузилмалари ва уларнинг маъно томони ўртасидаги ўзаро муносабатга асосланган бўлиб, бу таҳлил синтактик ва сўз яшаш моделлари ҳамда тилнинг бошқа қатламларини тадқиқ қилишда ишлатилиши мумкин. Масалан, трансформацион таҳлил ёрдамида сўзлар ўртасидаги сўз яшаш муносабатларини аниқлаш ёки синтактик қурилмаларни таржима қилишда улардан фойдаланиш мумкин.

5) *Таркибий таҳлил*нинг моҳияти шундан иборатки, унда таҳлил бирлиги сифатида тил birlikларининг унсурлари — номинатив-коммуникатив ва структуравий унсурлар хизмат қилади (9. 222). Бу таҳлилнинг асосий мақсади реал борлиқ объектлари моҳияти тавсифини яратиш, ва уларга номлаш вазифасини ўтаётган сўз ёки сўз бирикмасининг функционал табиатини ўрганишдир. Таркибий таҳлилнинг лингвистик моҳияти шунда кўринадики, гарчи таркибнинг потенциал универсал тўплами ҳар бир тил томонидан ишлатилса ҳам, ҳақиқатда ҳар қандай аниқ бир тил бутун таркибдан тўлалигича фойдалана олмайди. Энг муҳими шундаки, ҳар бир тилнинг аниқ лексик birlikлар ва пукт моделларида у ёки бу таркибий унсурларнинг мавжудлиги ва сатҳлардаги жойлашуви ва ўрамлари турлича бўлади ва бир тилнинг модели бошқа тил томонидан ҳеч қачон такрорланмайди. Бу эса, у ёки бу тилдаги номлашнинг ўзига хослигини кўрсатади. Масалан: ўзбек тилидаги “юрмоқ”, “бормоқ” каби ҳаракатни билдирувчи феъллар англатган маъно инглиз тилидаги битта феъл “to go” орқали ифода этилади. Бу эса ўз навбатида назарий ва амалий соҳада катта аҳамиятга эга.

6) *Матний таҳлилининг* моҳияти шундан иборатки, унда тил бирлиги ўз маъносини фаоллаштирадиган ва реаллаштирадиган матн ўрамида таҳлил қилинади (9. 223). Матний таҳлил кўп ҳолларда лексемалар ва сўз шакллари тадқиқ қилганда қўлланилади.

7) *Тематик гуруҳлар таҳлилининг* моҳияти шундан иборатки, бунда муайян предмет-тематик мутаносибликнинг асосида сўзлар йиғиндиси олинади ва улар махсус таҳлил қилинади (9. 226). Масалан, лексикология фанидан “Инсон тана органларини англатувчи ибораларнинг структуравий-семантик хусусиятлари” мавзусини кўриб чиқайлик. Бу ўринда таркибида инсон тана қисмлари маъносини билдирувчи сўзлар бўлган барча иборалар луғатлардан ва танлаб олинган бадий асардан териб чиқилади, уларнинг таркибий қисмлари ва семантикаси ўрганилади. Бошқа бир мавзунини олсак. “Ҳаракатни билдирувчи феълларнинг функционал-семантик хусусиятлари” деб номланган бу мавзуда to go, to fly, to walk каби ҳаракатни билдирувчи феъллар олинади ва улар муайян контекстда қўлланиладиган семантик гуруҳ сифатида кўриб чиқилади.

8) *Этимологик таҳлил* қаришдан тиллар фактларига сулинган ҳолда сўзлар тарихини уларнинг энг қадимги шакл ва маъноларигача очиқ бериш имконини яратади. Этимологик тадқиқотларда катта эътибор сўзнинг энг қадимги даврдаги фонетик ва морфемик тузилиши ва сўзнинг энг дастлабки маъносининг пайдо бўлиши ҳақида тахминга берилади. Этимологик таҳлил ҳозирги замон тилларида маъноси мотивацияланмаган, фонетик, морфологик, сўз ясаш нуқтаи назаридан ҳамда семантик жиҳатдан ўзгаришларни бошидан кечирган сўзларни ўрганишга қаратилади (9.260,262). Масалан, тиллардан сўзларни ўзлаштириш масаласи ўрганилганда, ўзлаштирилган лексика алоҳида гуруҳга ажратилади ва унинг асл келиб чиқиши, тузилиши ва маъноси аниқланади.

9) *Статистик метод* қўлланилганда, бирор-бир тил материали бўйича мисоллар йиғилади, ўрганилганга тил ҳодисаси ёки шаклининг тарқалиши рақамларда, жадвалларда ва чизмаларда жонлантирилади. Мисоллар корпусини йиғилаётган пайтда йўл қўйилган камчиликлар, мисоллар миқдорининг етарлилик даражаси, олинган натижаларнинг аҳтимоллик статистик таҳлили амалга оширилади (9.245,346). Масалан, тадқиқотчи бирор-бир муаллифнинг ўз бадий асарида аниқ бир сўзнинг қапчалик кўп ишлатилишини ўрганади. Луғат тузувчилар нутқда қайси сўзларнинг кўп ишлатилишини ўрганганларида ушбу методдан фойдаланадилар.

2. Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганишга ўқитиш қўйидаги ёндашувлар асосида амалга оширилади; 1) коммуникатив; 2) фаол иштирок этишни тақозо этадиган ёндашув; 3) когнитив ёндашув; 4) шахсга йўналтирилган ёндашув. Ҳозирги замон методика фанида тадқиқотнинг асосий ва ёрдамчи методлари фарқланади (7. 40-50).

Тадқиқотнинг асосий методлари қўйидагилардан иборат:

1) *Илмий адабиётнинг ташкидий таҳлили*. Методика, тилшунослик, психология ва педагогика фанлари соҳасида ўрганилаётган муаммолар бўйича яратилган илмий адабиётлар таҳлили тадқиқ қилинаётган масалага бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган адабиётлар танлаб олинади, илмий фактлар (маълумотлар) тўплаш ва ўрганиш учун зарур ва улар ўрганиш объектини узил-кесил аниқлашда катта рол уйнайди. Лекин илмий адабиёт таҳлилини аниқ бир вазифа мавжуд бўлган тақдирдагина қўлаш керак. Адабиётни таҳлил қилиш олдида қатор вазифалар қўйиладики, уларни ечмасдан туриб режалаштирилаётган тадқиқотни бошлаб бўлмайди. Бу метод талабанинг маълум бир малака, яъни ўқиётган материалга ташкидий муносабат, таҳлил қила олин ва умумлаштириш қўникмаларига эга бўлишини тақозо этади.

2) *Хорижий тилларни ўқитишнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш*. Педагогик ёки ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида талабалар ўқитувчиларнинг дарсларига кирадилар ва бу дарсларда улар иш ташкил этишнинг турли шакл ва усуллари билан танишадилар. Бундан ташқари, талабалар методик журналлар, масалан, “Иностранные языки в школе”. “Тил ва адабиёт таълими”, “Преподвание языка и литературы” ва “Филология масалалари” каби нашрлардаги методик жиҳатдан яхши бойитилган илмий мақолаларда баён қилинган ижобий тадқиқотларни ҳам умумлаштиришлари мумкин. Шундай қилиб фактларни ўрганиш, уларни жонли таққослаш, фактларни қиёслаш, ҳукм ва хулосалар чиқариш, таснифлар ишлаб чиқиш охир-оқибат ўқув жараёнидаги муайян бир қонуниятни шакллантириш ёки методик факторлар борасидаги ўзаро алоқанинг табиати очиқ бериши мумкин.

3) *Илмий жиҳатдан қайд этиладиган кузатиш* (эмпирик сатҳда) ҳодисаларнинг ривожланиши, педагогик жараённинг турли томонлари: ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, билим савияси, таълимнинг мақсади, тавсия этилаётган ишларнинг мотивацияланганлиги ўртасидаги алоқадорлик ва ҳоказоларни аниқлаш имконини беради. Хорижий тилларга ўқитишни ташкил қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини, ёрдамчи воситаларининг самарадорлигини, нутқ фаолиятининг муайян

турлари бўйича нутқий малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган усулларни кузатиш ва факт туғлаш жараёнида турли характерга эга бўлган маълумотлар жамланади ва хулосалар чиқарилади. Бу хулосалар таклиф қилинаётган ўқитиш методикаси ёки уни назарий жиҳатдан асослаш учун, шунингдек яратилаётган методик концепцияга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кузатиш турлича йўл ва шаклда амалга оширилиши мумкин (масалан, лексик материал билан ишланганда, машқлар сериясини яратишда, тест топшириқларининг натижалари таҳлилин кузатиш ва ҳоказоларда).

4) *Сипов усулида ўқитиш.* Ўз шахсий тажрибаси ва кузатувларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос фикрга келиш (масалан, ўқув жараёнига у ёки бу методни, усулларни олиб кириш) мумкин ва уларнинг ўқитиш амалиётига қўллаш мумкинлигини сипаб кўриш имкониятини беради. Бунинг учун ўқитиш жараёнининг у ёки бу бўлагини мукаммаллаштириш ва ўз таҳлилин тасдиқловчи фикрларни илгари суриш керак.

5) *Тажриба йўли билан ўқитиш.* Аввалдан ишлаб чиқилган методикани қўллаш натижасида олинган материаллар асосида омма ўртасида сўров ўтказиш ижобий натижа бериши ва кейинроқ қонуниятга айланиши мумкин. Бу каби сўров ўтказиш фундаментал тадқиқотларга кўпроқ тегишли бўлиб, уни битирув малакавий ишларида қўллани мақсадга мувофиқ эмас.

6) *Эксперимент.* Тапланган муаммо бўйича илмий адабиётни танқидий ўрганиб, мана шу кесимда олинган маълумотларни умумлаштириб ижобий тажрибага суялган ҳолда эксперимент қилувчи аниқ бир гипотезани илгари суради. *Гипотеза* тушунчаси бирор-бир ҳодисани изоҳлаш учун таклиф этилаётган методика, технология воситаларининг самарадорлигини тажриба йўли билан тасдиқлашни талаб қиладиган илмий тахминни билдиради. Масалан: “Филология йўналишидаги академик лицейлар инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг диалогик нутқини ривожлантириш” мавзуси бўйича тадқиқот фаразини қўйидагича шакллантириш мумкин. Агар “Brainstorming”, “Opinion Gap”, “Information Gap”, “Discussion”, “Jig Saw” каби махсус таълим усуллари ёрдамида мулоқот шарт-шароитлари ва жумланинг мотивацияланганлиги ўқув жараёнида яратилса, академик лицей ўқувчилари монологик нутқини ривожлантириш самарали амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, эксперимент фақат ўрганилаётган ҳодисанинг ҳолати ва динамикасини бошқа барча муҳим фактлар шартли равишда

нейтрализацияга учраган ҳолатида ўрганишга асосланган илмий тажрибадир. Методик экспериментда тадқиқот объекти бўлиб хорижий тилларни ўқитиш жараёни хизмат қилиши керак. Эксперимент фараз (фараз-факт)нинг қўйилишини талаб этади. Методик экспериментда чет тилини ўрганиш жараёни тадқиқот объекти ҳисобланади. Тажрибанинг асосий ташкил этувчи элементларидан бири машқлардир. Эксперимент учун тажрибавий ва назорат гуруҳлари ташлаб олинади ва экспериментал таълимнинг мақсад ва вазифалари, материаллари, методлари, босқич ва ўтказиш муҳлатлари белгилаб олинади.

Тажриба ўтказишда *ўзгарувчан шарт-шароитлар* тажрибавий ва синов гуруҳлари учун бир хил бўлиши керак ва бу ўзгармайдиган шарт-шароитлар дейилади. Бир биридан фарқланувчи алоҳида таркибий қисм — компонентлар тажрибасининг вариантлари ўзгарувчан шарт-шароитлар деб аталади.

*Ўзгармайдиган шарт-шароитлар* сифатида қуйидагиларни санаш мумкин: синовдан ўтказилувчилар сонининг тенглиги, уларнинг чет тилини билиш савияларининг бир хиллиги, тақдим этилаётган тил ва нугқ материали; ўқитувчи малакасининг тенглиги (7.47; 12.16).

Экспериментал таълим 4 босқичда олиб борилади:

1. Ташкил этиш босқичи — гипотезани ишлаб чиқиш, иинчи гипотезани асослаб бериш учун тўпланган материални таҳлил қилиш ва системалаштириш, таълим мақсади ва бу мақсадга эришиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаш, аниқ тил фактларига ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва ҳоказо;

2. Амалга ошириш босқичи — ишлаб чиқилган таълим методикаси ўқув аудиторияларида синаб кўрилади;

3. Қайд этиш босқичи — тажриба вақтида олинган маълумотларнинг статистик таҳлили, тадқиқот натижаларининг миқдорий ва сифат характеристикасини ишлаб чиқиш;

4. Интерпретация (таҳлил) — олинган натижалар, статистик кўрсаткичларни объектив ва батафсил таҳлил қилиш ва мувофиқ тавсияларни тақдим этиш.

Эксперимент объектив маълумотларни тақозо этади ва шу мақсадда статистик таҳлил қўлланилади. Биринчи навбатда, экспериментатор (тажриба ўтказаяётган шахс) ўтказилаётган тажрибанинг *ишончилигини* белгилани лозим яъни синовдан ўтказилаётган талаба ёки ўқувчиларнинг миқдорини математик йўл билан аниқлаш ва бир

хил тарзда ўтказилган тажрибалар минимал миқдорини аниқлаш керак. Бу ишончли натижалар гаровидир. Бундан ташқари, ўтказилаётган тажрибанинг *яроқли* эканлигини, яъни унинг натижалари ҳақиқатан ҳам қўтилаётган натижаларни бериши ёки беролмаслигини текшириб кўриш керак. Ва сўнги вазифа бу ўзаро *алоқадорлик* муносабатларини ўрнатиш ҳисобланади, чунки экспериментчини абсолют рақамлар эмас, балки бошқа ҳодисалар билан ўзаро алоқалар, муносабатлар ҳам қизиқтириши керак [7. 49-50]. Буни аниқлаш учун эса қуйидагилар параметр бўлиб хизмат қилади: ишончлилик, яроқлилик ва корреляция; улар математик статистика ёрдамида аниқланади.

Экспериментни ўтказишдаги изчиллик Д.М.Шпринберг ва Т.К.Сатторов томонидан илгари сурилаётган қатор қоидаларда намоён бўлади [15. 10]:

- тадқиқот йўналишини аниқлаш ва муаммони танлаш;
- мазкур муаммо бўйича адабиётлар билан танишиш;
- ўқитишнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;
- гипотезани ишлаб чиқиш, экспериментнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- экспериментнинг муқобил шаклини танлаш;
- экспериментни режалаштириш, ўтказиш муддатларини аниқлаш, муваққат ва доимий шарт-шароитларни ишлаб чиқиш;
- эксперимент ўтказиш методикасини аниқлаш, материалларни ишлаб чиқиш;
- синовдан ўтказиладиган шахсларни танлаб олиш;
- мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш;
- экспериментнинг бориши ва натижаларни қайд қилиб бориш (батафсил қайднома, магнитофон ёзувлари);
- экспериментлардан аввалги, экспериментдан кейинги босқич;
- экспериментдан сўнг олинган маълумотларни қайта ишлаш;
- хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг ёрдамчи методлари:

- 1) *Анкета сўрови ўтказиш*. Қизиқтирган фактлар бўйича анкета тузиш, жавобларни қайд этиш, айрим тафсилотларни ўрганиб чиқиш;
- 2) *Тест синови ўтказиш*. Ўқитиш натижаларини методик диагностика ёрдамида, у ёки бу усул ёхуд воситанинг қай даражада наф келтирганлигини қайд қилиш.

3) *Хропометраж ўтказиш*. Пленкага ёзиб олинган ўқув жараёнининг тўлиқ ёки муайян қисмлари (масалан, қайтариш машқларига кетган

вақтни аниқлаш учун бирор-бир вақт оралиғида бўлган ўқини тезлигини аниқлаш ва ҳ.к.)ни таҳлил қилиш.

4) *Сухбат* одатда, ўтказилаётган изланиш қатнашчилари билан тафсилотларни, фактларни ўрганиш учун экспериментал сиров таълимининг боришини назорат қилиш учун ёки тадқиқот бошланишидан аввал инструкторга бериш учун ташкил этилади.

5) Тадқиқотчиларнинг ёрдамчи методлари изланишнинг асосий методлари билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, экспериментдан аввалги босқичда ўқувчи ёки ўқитувчилар билан уларни қизиқтирган нарсалар бўйича анкета сўрови ўтказини ёки ўқувчилар билан сухбат ўтказини мумкин.

#### *Тадқиқотнинг назарий қиммати ва амалий аҳамияти.*

Муаллиф ўз тадқиқоти натижаларининг назария ва амалиёт учун қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Масалан, “Инглиз ва ўзбек тилларидаги тугалланган иш-ҳаракатни билдирувчи замон шакллариининг қиёсий-типологияк таҳлили” номли ишда тил грамматик ҳодисаларини қиёсий-типологияк жиҳатдан таҳлил қилишнинг назарий асослари яратилган; инглиз тилида перфект шакллари ва ўзбек тилидаги уларга мос келувчи замон шакллариининг структуравий ва семантик жиҳатдан ўхшаш ва фарқли томонлари очиб берилган; тадқиқот натижалари ўзбек талабаларига инглиз тилидаги перфект замон шакллариини ўргатишда фойдали бўлиши мумкин, бундан ташқари, ундан қиёсий типология дарсларида грамматик сатҳни таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. “Ҳозирги замон инглиз тилида равиш ва предлогларнинг омонимик алоқалари” номли изланишнинг натижаларидан эса назарий грамматика фанидан семинар машғулотларида ва нутқнинг грамматик томонларини ўқитиш методикасида фойдаланилиши мумкин.

Методикадан ёзилган “Аналитик ўқини машғулотларида баҳс юритишни ўргатиш методикаси” тадқиқотининг *назарий қиммати ва амалий аҳамияти* шундан иборат бўладики, унда мувоҳасанин структураси, босқич ва шакллари назарий жиҳатдан асослаб берилди; ишлаб чиқилган машқлар мажмуаси оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти дарсларида талабаларга оғзаки сўзлашув нутқини ўргатиш амалиётида ҳам қўлланилиши мумкин.

Энди ишнинг тузилиши ҳақида сўз юритамиз. Иш тузилишида боб (қисм)лар мазмуни қисқача умумлаштирилади. Ишнинг тузилиши ҳақидаги фикрни аниқлаштириш мақсадида “Ҳозирги замон инглиз ва

Ўзбек тилларидаги равиш ва предлогларнинг омонимик алоқалари” номли тадқиқотни таҳлил қиламиз. Масалан: тузилиши жиҳатдан иш кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат (рўйхатда 40 ном келтирилган бўлиб, ундан 25 манба рус тилида ва 15таси инглиз тилида).

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзуси асослаб берилади, унинг долзарблиги, республикамиз ва чет эл фанида ишланганлик даражаси ёритилади, мақсад ва вазифалари, тадқиқот методи, ишнинг янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти белгилаб олинади.

Биринчи боб “ Ҳозирги замон инглиз тилида грамматик омонимия муаммоси” деб номланган бўлиб, унда грамматик омонимия ҳақидаги масаланинг ўрганилиш аҳволи, турли назарий қарашларда грамматик омонимиянинг таснифи, масалалари атрофлича ўрганиб чиқилган. Шунингдек, грамматик омонимиянинг тадқиқот прагматик аспектда пайдо бўлиш имкониятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчи бобда равишларнинг маъно билдирувчи сўз туркуми сифатидаги ва предлогларнинг ёрдамчи сўз туркуми сифатидаги характерли белгилари ҳамда улар ўртасида матн прагматикаси сатҳидаги белгилари кўриб чиқилган. Омонимик алоқаларнинг таҳлили В.Холтнинг “The King of Castle” номли бадиий асари материалда амалга оширилади. Хулосада тадқиқот бўйича чиқарилган асосий ҳукмлар келтирилади. Иш охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади.

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ ВА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Битирув малакавий ишининг асосий қисми икки бобдан ташкил топади. Магистрлик диссертацияси 2-3 бобдан иборат бўлиши мумкин. Ҳар бир боб охирида хулосалар келтирилади. Биринчи боб назарий изланиш бўлиб унда тадқиқ қилинаётган тил фактининг ўзига хос хусусиятлари аниқланади, яъни бу ерда изланаётган мавзу бўйича мавжуд тадқиқотларнинг таҳлили, мавзунинг ишланмаган жиҳатлари, муаммони ечиш йўллари, олинган хулосаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш ўрин олган. Иккинчи бобда амалий таҳлил давом эттирилади ва талаба томонидан бир тил материали (лингвистик аспект бўйича) ёки тил воситаларининг тил қурилишида ишлатилиши ва хусусиятлари илмий жиҳатдан асослаб берилади. Тил ўқитиш методикаси фани бўйича талаба, масалан, мактабда юқори босқич



Ўқувчиларининг оғзаки монологик путқ кўпикма ва малакаларини шакллантириш ривожлантириш технологияси, оғзаки путқини эгаллаш бўйича ўқув-тарбиявий жараёнини оптималлаштириш бўйича аниқ методик тавсиялар бериш мумкин. Агар магистрлик диссертацияси 3 бобдан иборат бўлса, икки боб назарий — учинчиси амалий, ёки биринчи боб — назарий, иккинчи боб назарий-амалий ва учинчи боб амалий масалалар бўйича материални ўз ичига олган бўлиши лозим (“амалий” сўзи бу ерда “practical” эмас балки “applied” маъносида ишлатилган).

Ишнинг асосий (тадқиқот) қисмида барча тўпланган материал таҳлил қилинади ва ифодаланади. Ишнинг муваффақияти эса кўп жиҳатдан талабанинг тил (педагогик) фактларини қандай таҳлил қилишига боғлиқ.

Масалан, тилшунослик йўналишида бажарилган ишларда кўп ҳолларда талаба тасниф қилиш ҳамда мисолларни санаб ўтиш билан чекланади. Бундай иш тугалланмаган иш бўлиб талаба томонидан мавзу фақатгина юзаки ишланганини ва бу ишни ижобий баҳолаб бўлмаслигини исботлайди.

Олинган назарий билимлар асосида талаба йиғилган барча (назарий ва амалий) материалларни системалаштира олиши керак. Масалан, агар талаба “to be” феълининг структуравий-семантик хусусиятларини таҳлил қилар экан, бадиий адабиёт матнидан олинган турли гаплар асосида юқоридаги хусусиятларнинг турли характерга эга бўлган контекстларда намоён бўлишини аниқлайди, чунки тил бирлигининг структураси ва семантикаси фақатгина муайян контекстда ишлатилгандагина тўлиқ намоён бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳар бир мисол ва унинг таҳлили тасвири илмий жиҳатдан қизиқини уйғотади, чунки ҳатто жуда кичик туюлган тил факти ҳам тадқиқ этилади. Ўрганилаётган мавзу бўйича келтирилган барча назарий ҳукмлар ёки тавсияларни муаллиф аниқ тил фактлари материаллари билан мустаҳкамлаши керак. Бунинг учун тилга оид энг зарур, энг мувофиқ мисолларини таплаш керак.

Бобнинг параграфлари ва боблар орасида ўзаро боғлиқлик ва маантиқий изчиллик бўлиши, назарий ҳукмлар старли даражада далилланган бўлиши лозим. Иш мазмуни шундай ташкил қилиниши керакки, биринчи бобдан бошқасига ўтиш зарурий ҳолат бўлиб, аввалда бажарилган иш кейинги босқичга ўтишни тақозо этиши керак.

Кўп ҳолларда масала тарихини ёритаётиб бакалавр ёки магистр мақола ёки монографияларни мақтаб ёки танқид этиб аннотациялар

келтиради. Ҳақиқатда эса, ишда муаммонинг ёритилганлик даражаси очиб берилиши керак, унинг алоҳида қисмларини баҳолаш ишнинг вазифасига кирмайди. Тўланган мавзу бўйича қандай ишлар ёзилган, турли олимлар томонидан бу мавзунинг қайси аспекти кўрилган, қай даражада тўла ёки чуқур таҳлил этилган каби масалаларга баҳо берилиши керак. Агар зарур бўлса, шу жойнинг ўзиде у ёки бу тасдиқ ёхуд ҳукмга ўзининг қўшилмаслигини айтиб ўтиш ва кейинроқ фикрни ривожлантириш лозим.

Илмий-лингвистик ва илмий-методик адабиётни тавсифлашнинг изчиллиги турлича бўлиши мумкин. Кўпинча хронологик тамойил асосида иш кўрилади: биринчи навбатда, ушбу масалага бевосита мурожаат қилган олимлар асарлари кўриб чиқилади. Ундан кейин ушбу масалани бевосита ўрганган муаллифлар асарлари таҳлил қилинади. Изчиллик турли тадқиқотларда муаммони кўйинининг чуқурлиги ва кенлиги тамойилига қараб аниқланади.

Агар муаммо махсус асарларда кўриб чиқилмаган бўлса ва олимлар бу масалага турли томондан ёндашган бўлсалар, тематик тамойилга амал қилиш ва турли масалаларнинг (битирув малакавий иши еки магистрлик диссертацияси мавзусини олиш учун) монографиялар, мақолалар, авторефератларда қандай ёритилганлигини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Ишнинг айрим боблари унда кўриляётган муаммоларнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда кўрилиши керак. БМИ ва МДлари устида ишляётган бошловчи филологлар орасида кенг тарқалган камчилик бу фикрни ривожлантиришда мантиқ ва изчилликнинг етишмаслигидир. Асосий ғоя ишни ташкилланштирувчи, бириктирувчи ва бошловчи элемент сифатида хизмат қилиши керак. “Ҳар бир хусусий ҳукм, кузатиш ишда фақатгина у қўйилган мақсадга эришишга олиб келган ҳолатида зарур. Агар муаллиф томонидан келтириляётган маълумот, изоҳлар фикрнинг боришига мувофиқ келмаса, фикрни чалғитса, уларни ишда келтириб бўлмайди. Фикрни ривожлантириш мантиғи – тадқиқот ишининг ажралмас, зарурий шартидир” (13.70).

Атамалар масаласида ҳам тадқиқотчи эҳтиёт бўлмоғи керак. Бир қатор ҳолатларда тилшунос томонидан олиб борилган тадқиқот атамаларда ягоналик бўлмаганлиги ва муайян тил жараёнларининг турлича тушунганликлари орқали қийинлашади. Бундай ҳолатларга дуч келган БМИ ёки МДлари муаллифлари турли хил қарашларни

кўриб чиқишлари ва бу масалада ўз нуқтаи назарини аниқлаб олишлари керак бўлади.

Материални таълаб олиш, уни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш бу ҳали тадқиқотчидан талаб қилинаётганларнинг барчаси эмас. У ўзи чиқарган хулосаларни бошқалар мулкига айлантириши керак — фаннинг моҳияти мана шу. Шунинг учун муаллиф олдида турган асосий вазифалардан бири материални баён қила олиш маънаси ҳисобланади. БМИнинг сифати кўн жиҳатдан муаллифнинг фикрини мос шаклда ва изчиллик билан баён қила олишига боғлиқ.

БМИлари ва МДлари баёнида кўнлаб камчиликлар кузатилади. Биринчи камчилик фикрни ифода қила билмасликдир: тўғри ва қизиқ ҳукм баъзан шундай шаклда бериладики, бу ҳол фикр моҳиятининг бузилишига олиб келади. Бу сўзнинг поаниқ қўлланилиши ёки ноўрин синтактик конструкция ишлатилиши оқибатида содир бўлади.

Баъзи муаллифлар услубни гўзал ва бўёқли қилиб бериш йўлида мазмуни қурбон қиладилар. Фикрнинг ғазизлиги, поаниқлиги ва хиралиги, “мода”да бўлган атамаларни, уларнинг маъносини билиб-билмай ишлатиш, “илмий стиль”нинг бир кўриниши деган сохта фикр асосида чет тили сўзларини кераксиз ўришларда ишлатиш шулар жумласидандир (14.14). Кўн ҳолларда муаллифларнинг стилистик штамплар, шаблон иборалар, ўзига хос клишеларга қизиқиб кетиш ҳодисаси ҳам кузатилади. Буларнинг ҳаммаси талаба тили ва фикри камбағаллигининг нишонасидир.

Ишнинг услуби аниқ, равшан бўлиб, тадқиқотчи шахсияти хусусиятларини аёқ эттириш керак. Ишда қўлланилган жумлалар равои ва тушунарли бўлиши, уларнинг турлича талқинга йўл қўймаслигига эришиш лозим. Илмий ишларда тадқиқотчи ўзини кўнлик шаклида ифода қилиши тақозо этилади, яъни: “биз” (мен ва илмий раҳбарим) шаклида ёзиш керак, “мен” шаклини қўллаб бўлмайди.

Юқорида қайд этилган камчиликлар БМИ ёки МДни танқил этган ганлар ўртасидаги мазмуний алоқаларни тушушмаслик оқибати ҳам пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун бошловчи тадқиқотчи *умумлаштириш, изоҳлаш, тушуштириш; қиёслаш, асослаш; таърифлаш; хулосалаш, сабаб, мотив, баҳолаш; туртки; қисқа баён, аналогия; фикрни кенгайтириш, баҳо бериш; қайта таъкид; натижа, оқибат; танлаш, асослаш, исботлаш; намойиш қилиш, мисол, жавоб, масаланинг муаммоси, деталлаштириш; қўллаш бўйича йўриқнома* ва ҳ.к. лар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Булардан ташқари, ишнинг илмий услуби талабалардан матни ихчамлаштириш кўникмаларини эгаллашларини тақозо этади, чунки бу каби ишларда конпильция, рефератлаштириш, аннотациялаш унсурлари бўлади. Матни ихчамлаштириш, ундаги информациянинг қисқаришига олиб келади, бу эса ёш тадқиқотчи учун жуда муҳим ҳамда катта назарий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Матни ихчамлаштириш кераксиз, ортиқча ахборотни қисқартиришдан иборат бўлади, бунда кузатиладиган такрорлаш ҳодисаси йўқотилади ва ифода воситаларидан маъноиларигина тапланади.

Демак, матни компрессиялаш икки хил йўл билан амалга оширилади: 1) матнда мавжуд ахборотни камайтириш йўли билан; 2) ахборотнинг ҳажмини сақлаб қолиш йўли билан.

Компрессиянинг биринчи турида ахборот ҳажми энг муҳим қисми қолгунга қадар қисқартирилаверади. Бундай қисқартириш икки хил йўл билан амалга оширилади ва бу икки усул ўз навбатида компрессиянинг икки босқичини ташкил этади:

	Компрессия тури	Компрессия усули	қўллан соҳалари
1	Ахборотни камайтириш йўли билан амалга ошириладиган компрессия	1) Тафсилотларни тушириб қолдириш. 2) Қолган ахборотни умумлаштириш.	Асосий – реферат ёзишда, шарҳлаш ва ҳ.к.ларда Иккинчи даражали – матни таҳрир қилишда
2	Ахборотни сақлаб қолиш йўли билан амалга ошириладиган компрессия.	1) Нутқнинг бир бўлагини бошқаси билан алмаштириш. 2) Гапнинг айрим элементларини тушириб қолдириш. 3) Бир неча гапларни бир гапга олиб келиш, қисқартириш, кичрайтириш.	Асосий – матни таҳрир қилишда Иккинчи даражали – реферат ёзишда, аннотация ёзишда, шарҳлаш ва ҳ.к.ларда

1) ишнинг асосий мазмунига алоқадор бўлмаган ёки асосий мазмунининг ўзгариб кетишига сабаб бўлолмайдиган майда тафсилотларни тушириб қолдириш йўли билан;

2) ишнинг барча мисол ёки далилловчи қисмлари тушириб қолдирилиб, унинг фақат тезис қисминигина сақлаб қолиш мумкин; бундан ташқари, агар бу нарсани вақт ва жойнинг қатъий меъёрлари талаб қилаётган бўлса, камроқ аҳамиятга эга бўлган тезис қисми ҳам бироз қисқартирилиши мумкин;

3) қисқартиришлардан сўнг қолган ахборотни қайта ишлаш йўли билан.

Матннинг бундай қисқартирилиши реферат, аннотациялар ёзишда, мавжуд тадқиқотларни қисқача шарҳлашда, тадқиқот натижаларини умумлаштиришда (резюмеланида) амалга оширилади. Лекин тадқиқотчи шу нарсани унутмаслиги керакки, матн қанчалик ихчамлаштирилса, унинг далилловчи ва ҳатто тезис қисми ҳам камаяди, мазмуни эса шунчалик умумийлашади.

Иқтибослан масаласига келсак, шу нарсани айтиб ўтиш керакки, бошловчи тадқиқотчи бошқа муаллиф томонидан ёзилган матнни рационал ва тўғри қўллаши керак. Иқтибос айтилган фикрга аниқлик киритиши, уни тасдиқлаши ёки асослаб бериши керак. Иқтибослардан фойдаланишда меъёрдан ортин ҳолларига йўл қўймаслик лозим; уларни тортишувга сабаб бўлмайдиган абсолют ҳақиқатларни исботлаш учун ишлатиш, матнда улар миқдорини кўпайтириб юбориш нотўғри. Бундан ташқари, бошқа контекстдан иқтибос қилиб олинаётган жумла(га)нинг мазмуни ўзгариб кетмаслигига эътиборни қаратиш зарур.

*Хулоса* бутун тадқиқот бўйича қилинган қисқа хулосалар шаклида бўлиб, бунда одатда, вазифа қандай бажарилганлиги, кириш қисмида қўйилган мақсадга эришилган ёки эришилмаганлиги ҳақида гап боради. Мазкур ишдан амалий ва назарий жиҳатдан қандай фойдаланиш мумкин ва шу каби бошқа ҳолатлар ҳақида, яъни тадқиқот натижасида олинган умумий хукмларгача келтирилади.

БМИ устида олиб бориладиган изланишнинг охириги босқичи бу тадқиқот натижаларини баён қилиб беришдир. Бунга матн қоралама вариантини илмий раҳбар, консултантлар билан муҳокама қилиш, кўрсатилган камчиликлар устида ишлаш каби тадбирлар ҳам киради. Ва ниҳоят, қўлёзмани компьютерда териб чиқиш лозим бўлади. Бу нарса бакалавриатура ва магистратура талабалари илмий ишларини

расмийлаштиринга қўйиладиган талабларга мос равишда амалга оширилади (талаблар мазкур қўлланма охиридан жой олган).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида давлат расмий ҳужжатлари, мавзу бўйича ўзбек, рус ва чет тилларидаги адабиётлар, илмий журналлардан олинган мақолалар, фойдаланилган луғат, бадий асарларнинг номлари келтирилади.

Илмий ишни ёзиш учун интернетдан олинган маълумотлардан фойдаланиш ҳам тавсия этилади. Шунинг учун адабиётлар рўйхатида интернет веб сайтлари кўрсатилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати алфавит тартибда берилиши керак ва улар мажбурий тартибда рақамланган бўлиши шарт. Асар ҳақидаги маълумот куйидаги тарзда берилиши керак: муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, ишнинг номи, нашр ўрни; нашриёт номи ва нашр йили, масалан:

1. Закон Республики Узбекистан “Об образовании”. —Т.: Шарк, 1997.

2. Национальная программа по подготовке кадров. —Т.: Шарк, 1997.

3. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. — М.:Наука, 1981. —С.20—23.

Агар бутун манбага ўқувчи эътибори қаратилса:

4. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. —М.:Высшая школа, 1981. —285 с.

Чет тилларидаги адабиётлар рус ва ўзбек тилларидаги адабиётлардан сўнг алфавит тартибда берилади.

5. Huges L. That Word Black. — М.:Raduga, 1986. —200 р.

Даврий нашрларга иқтибос куйидаги шаклда амалга оширилади.

6. 2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат миллий дастури тўғрисида. // Маърифат. 2004 й. №41. —С.1-2, 22 май.

Журналдаги мақолага иқтибос куйидагича амалга оширилади:

7. Ўтаева М.А. Совершенство умений говорения на основе текста для чтения на старшем этапе. //Ж.Иностранные языки в школе. 2004. №3. —С.53—59.

8. Мигунов А.И. Истина — проблема риторическая? // Ж. Вестник Санкт- Петербургского университета. Сер. 6. 1992. Вып. 4(27).

Иқтибослар такрорланаётган ҳолларда куйидаги қисқартиришлар ишлатилади, масалан:

9. Фамилия И. Ш. Ўша ерда. — 44-бет.

10. Фамилия И. Ш. Там же. — с.44.

11. Surname I bid p.44

Интернет сайтларига иқтибос қўйидагича амалга оширилади.

12. [WWW.http/P.L. Cooogle @ uks. ac. uk.](http://www.http/p.l.cooogle@uks.ac.uk)

Изоҳлар одатда, саҳифа охирида ягона тартиб рақами остида (иқтибослар ёрдамида) берилади.

Иқтибослар улар мансуб бўлган саҳифаларда босилади ва асосий матн охирига жойлаштирилади ва матндан горизонтал чизиқча билан ажратилади, масалан:

“Тилшунослар томонидан семасиология сўз маъноси, маъно турлари, маъно ўзгаришларини, сўзнинг семантик структураси, семантик жиҳатдан боғланган гуруҳларни, синоним, антоним, омонимлар ва ҳ.к. ларни ўрганувчи фан деб қаралади”<sup>1</sup>.

Иқтибослар матндан ажралиб қолмаслиги, бонқа саҳифага ўтиб кетмаслиги керак. Иқтибос белгиси сифатида рақамлар эмас, балки юлдузчалар ҳам ишлатилиши мумкин.

БМИларида иқтибослар квадрат қавс шаклида (иқтибосдан кейиноқ) келтирилиши ҳам мумкин бўлиб, бунда муаллиф ва мазкур асарнинг нашр йили ва саҳифа номи ёки бўлмаса, фойдаланилган адабиётлар руйхатида мазкур асарнинг тугган тартиб рақами ва саҳифа рақами ҳар бет охирида келтирилиши мумкин, масалан:

В.Д. Девкининг фикрига кўра “сўзлашув нутқида тилшуносликнинг барча муаммолари бир ерга жамланади, унга ҳар бир назарий масала алоқадор бўлади” [Девкин, 1979, 24]. Ёки бўлмаса, Д. Браун таъкидлайдики, “Сухбатдошлар орасида эркин сўзлашув имкониятлари борган сари кенгайиб коллоквиумлардан фойдаланиш эҳтимоли, кучайиб боради” (6.45).

Иловада БМИ ёки МД матнини тўлдирувчи ёки ёритувчи қўшимча материаллар берилади.

Масалан, инсон шахсий характеристикасини аке эйтирувчи фразеологизмлар рўйхати ёки “Атроф муҳити химоя қилиш” мавзусидаги луғат. Иловада турли жадвал, график ва чизмалар келтирилиши мумкин. Тил ўқитиш методикаси фанидан ёзиладиган малакавий иш ва магистрлик диссертациясининг иловасида методик тавсиялар, дарслар ишланмалари берилиши мумкин.

---

1. Вўронов Д., Мўминов А. Practical course in English Lexicology, — Т.: Ўқитувчи, 1990. — с. 67.

Талабалар илмий ишлари қуйидаги талаблар асосида расмийлаштирилиши лозим:

1. БМИ ва МД ўзбек, рус ва чет тилларидан бирида ёзилиши мумкин.

2. БМИ ва МД А4 (21x29) оқ стандарт қоғоз саҳифасининг бир томонида компьютерда 1,5 интервалда ёзилади, саҳифа чап томонидан камида 3 см, ўнг томондан 1,5 см, юқоридан 2,5 см, остидан 2,5 см жой қолдирилиши керак.

Ҳар бир қаторда 60 – 70 белги (харф, бўш ўринлар, тибиш белгилари) бўлиши керак.

Қаторлар сони 28 – 30 дан ошмаслиги керак (1,5 интервалда), малакавий иш саҳифалари сони компьютерда терилган бўлиб, 40 – 50 бетдан ошмаслиги керак (иловасиз). МД 70 – 80 бетдан иборат бўлиши лозим (иловадан ташқари). Бакалавр БМИни қўлда чиройли хуснихат билан ёзинга ҳам рухсат берилган.

3. Агар иш талабанинг она тилида ёзилган бўлса, чет тилидаги мати ва маҳсуе белгиларни (формула, рамъларни) теришининг имкони бўлмаса, улар қора сиёҳда (тушъ ёки гелли настада) ёзиб қўйилиши мумкин.

4. Битирув малакавий ишининг барча саҳифалари араб рақамлари билан саҳифанинг юқори қисмида рақамланган бўлиши керак. Титул саҳифага тартиб рақами қўйилмайди, лекин у саҳифалар умумий миқдорига киритилади.

5. БМИ маҳсуе нашкага солинади ёки муқоваланади ва ҳимояга икки нусхада тақдим этилади.

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ ВА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ИЛМИЙ РАҲБАРЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

Талабалар илмий ишлари илмий раҳбар назорати остида бажарилади. Илмий раҳбар кафедра томонидан тасдиқланган БМИлари ва МДларига раҳбарлик режасига кўра ишлайди. Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияллари устида ишлаш режаси одатда, қуйидаги изчилликда амалга оширилади (10. 18-19):

1. Тадқиқот учун раҳбар ва мавзу танлаш.

2. Тадқиқот мавзусини раҳбар билан келишиб олиш ва унга керакли ўзгартиришлар киритиш.

3. Кафедра мудури томонидан тадқиқот мавзусини тасдиқлаш.



4. Тадқиқот мавзуси ва унга алоқадор бўлган муаммолар бўйича адабиётларни ўрганиб чиқиш.

5. Кўриб чиқилган адабиётлар рўйхати бўйича карточкалар тайёрлаш (у ерда қуйидагилар кўрсатилади: муаллифнинг исми-шарифи, фамилияси, ишнинг номи, нашр ўрни ва йили, саҳифалар умумий миқдори, ҳимояга олиб чиқилаётган ҳукмлар берилади. У ёки бу қараш, ғояларни тасдиқлаш ёки рад этиш учун муайян қизиқиш уйғотадиган фикрлар, мисоллар ҳамда ҳукмлар кўчирилган саҳифа тартиб рақамини қўйиш қатъий талаб қилинган ҳолда кўчириб олинади).

6. Назарий материал йиғиш ва таҳлил этиш.

7. Тил (фактик) материални лингвистик аспекти бўйича йиғиш, методика бўйича эса амалий материални йиғиш ва таҳлил этиш.

8. Ишнинг кириш қисмини ёзиш: мақсад, вазифаларини аниқлаш, танланган мавзу долзарблигини асослаш, асосий илмий изланишларни умумий тавсифлаш, тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш (методикадан ёзиладиган ишлар бўйича эса — тадқиқот гипотезасини илгари суриш). Шундан кейин ишнинг назарий қиммати ва амалий аҳамияти, тадқиқотда қўлланиладиган методлар аниқланади.

9. Ишнинг асосий қисмини назарий ва тил материални танқидий таҳлил элементлари билан бойитган ҳолда ёзиш.

10. Хулосани ёзиш: мулоҳаза ва таклифлар.

11. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини библиографияни ёзиш талабларига мос ҳолда расмийлаштириш.

12. БМИ ва МД олдига қўйилган талаблар асосида ишни техник жиҳатдан расмийлаштириш устида иш олиб бориш.

13. Илмий раҳбарнинг мазкур ишга тақриз хулосаси ва уни кафедра йиғилишида муҳокама қилишга тавсияси. (қаранг: Илова 1.2).

14. Ишни тақризга бериш (қаранг: Илова 1.4), магистрлик диссертацияси учун — оппонент тақризи (Илова 1.5)

15. Кафедрага ишни тақдим этиш ва муҳокама қилиш; кафедра ўз хулосасини беради ва иш Давлат Аттестация Комиссияси (ДАК) йиғилишида ҳимоя қилишга тафсия этилади (Илова 1.3).

16. Битирув малакавий иши, магистрлик диссертациясининг ҳимояси.

Илмий раҳбар ва талабанинг ҳамкорликда ишлаши шунда намоён бўладики, илмий раҳбар малакавий ишлар, магистрлик диссертациясини ёзиш мобайнида талабага илмий ва методик ёрдам кўрсатади, зарурий адабиётларни тавсия этади, мунтазам равишда суҳбатлар ва

маслаҳатлар уюштиради, илмий ишнинг бажарилишини назорат қилади; керакли жойларда ишни тўғрилайди, у ёки бу қарорни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида тавсиялар беради, ишнинг тайёрлиги ҳақида хулоса тайёрлайди ва уни кафедрада муҳокама қилинган тавсия этади (11).

*Ҳимояга тайёргарлик жараёнида* биринчи навбатда, ҳимояда сўзланадиган нугқ тезислари ёки конспекти тузилади, зарур ҳолларда ҳимоя вақтида фойдаланиш учун сурат, жадвал, графиклар тапланади.

Бакалаврият ва магистратура битирувчиси муҳокамада туниши мумкин бўлган саволларга жавоб бера олиши керак. Магистрант ўз диссертацияси аннотациясини бир неча нусхада кўнайтириб, уларни диссертация ҳимояси бўйича Илмий кенгаш аъзоларига тақдим этади. Бунда аннотация атамаси ёрдамида магистрлик диссертацияси асосий мазмунининг қисқартириб баён этилган шакли тушунилади. Магистрант бу аннотацияда ўз диссертациясининг асосий ҳукмларини қисқартириб баён этиши ишнинг асосий ғоялари деб билган нарсаларни қайд этиши, боб хулосаларини қисқа баён этиши керак (Илова 1.6).

*Ҳимоя.* Ҳимоя ДАК раисининг қисқача кириш сўзи билан бошланади. Раис талабанинг БМИи ёки МД мавзусини ўқийди, илмий раҳбари билан ташиштиради ва талаба ёки магистрга ўз илмий иши асосий мазмунини сўзлаб бериш учун сўз беради. Бакалаврият студенти ёки магистрант 7-10 минут давомида ишнинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида гапириб беради. Сўнгра сўз расмий тақризчига, оппонентга берилади. Агар тақризчи ёки оппонент ДАК йиғилишига кела олмаган бўлса, ДАК раиси бу тақризни ўқиб эшиттиради. Кейин диссертант айтилган фикрларга ўз муносабатини билдиради. Шундан сўнг талабага якуний сўз учун имконият берилади. Битирув малакавий ишлар магистрлик диссертацияси ҳимояси ДАК аъзолари йиғилишида очиқ тарзда ўтказилади. Ҳимоя натижалари “аъло”, “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” баҳолар билан баҳоланади ва улар балл шаклида расмийлаштирилади (“86%—100%-аъло, 71%—85% яхши, 56%—70% қониқарли, 55% дан паста қониқарсиз” тарзида баҳоланади). Баҳолаш ҳақидаги қарор комиссия аъзоларининг кўнчилиги томонидаи яшириш овоз бериш ёрдамида қабул қилинади, сўнгра талабаларга эълон қилинади.

Ҳимоядан сўнг малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари масъул кафедраларда сақланади. Агар талаба ёки магистр малакавий

иши ёки магистрлик диссертациясини касаллиги ёки ишни вақтида тугата олмаганлиги учун ўз вақтида химоя қила олмаса, у университет талабалари сафидан чиқарилади ва унга уч йил давомида ишни тақдим этиш ва химоя қилиш ҳуқуқи берилади. Бу сафар талаба университет ректорининг буйруғига кўра химояга кўйилади. Диплом (хужжат) ўрнига унга ўқув режасида кўрсатилган фанларни топширганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади, лекин квалификация берилмайди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Узбекистон по пути углубления экономических реформ. — Т.: Ўзбекистан, 1995. — С. 239.
2. Национальная программа по подготовке кадров. — Т.: Шарқ, 1997. — С. 11.
3. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. — Т. Шарқ, 2001. 1-қисм. — С. 319 — 322; - С.555 — 558.
4. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. — Т.: Шарқ, 2003. 2-қисм. — С. 465 — 477.
5. Нормативные материалы по оформлению диссертации и автореферата. Методические указания. Под ред. Мухиддинова М. — Т.: ВАК РУз, 2003. — 28 с.
6. Бакиева Г., Бабаходжаева М. Основы методологии научного исследования. /Ж. Филология масалалари. 2003. №1. - С.95-96.
7. Бакиева Г., Ахмедова Л. Методика написания выпускных квалификационных работ./Ж. Филология масалалари. 2004. №2-3. —С.108-114.
8. Буранов Д., Муминов А. Practical Course in English Lexicology. — Т.: Ўқитувчи, 1990. — С. 143 — 151.
9. Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков. — М.: Высшая школа, 1981. — С. 39 — 54.
10. Кадырова Р.М. Выпускная квалификационная работа. Учебно-методическое пособие. — Т.: ТГПУ, 2002. — 73 с.
11. Кодухов В.И. Общее языкознание. — М.: Высшая школа, 1974. — С. 213 — 280.
12. Коцанов К.М. Введение в научно — исследовательскую работу. Курсовые и дипломные работы. — Нукус: Билим, 1992. — 112 с.
13. Кузин Ф.А. Магистерская диссертация. Практическое пособие для студентов — магистрантов. — М.: Ось-89, 1997. —302 с.
14. Михайлов А.М., Саттаров Т.К. Методические указания по написанию курсовых работ по методике обучения иностранным языкам в средней школе. — Ленинабад, 1990. — С. 15 — 18.
15. Оришин А.Д. Как написать дипломную работу. — Львов, 1992.
16. Приходько П.Т. Введение в организацию и технику научно-исследовательской работы молодого учёного. —Новосибирск, 1985.
17. Шпринберг Д.М., Саттаров Т.К. Методические указания для студентов по написанию и защите дипломной работы по методике преподавания иностранных языков. — Ленинабад, 1990. — 29 с.

## **ИЛОВА**

**Илова I.I. Битирув малакавий ишнинг титул саҳифаси**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**2 Инглиз филологияси факультети  
Лексикология кафедраси**

**Сифат ва тегишлиликни билдирувчи  
ўзлаштира сўзларнинг этимологик таҳлили**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Бажарди: IV курс, 423 гуруҳ**

**талабаси У. Акбаров**

**Илмий раҳбор: ф.ф.п.доц. А.Ф. Мақсумов.**

**Тақризчи: к.ўқ. С.С. Хўжаева.**

**Тошкент — 2005 йил**

Илова Г.Г. Магистрлик диссертациясининг титул саҳифаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Абдурахмонова Наргиза Абдумаликовна

**Лисоний ОЎЮ биринчи босқичида гапириш  
қўникма ва малакаларини шакллантириш методикаси.**

Мутахассислик шифри.....  
Магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар:  
Опонент:

Тошкент — 2005

Илова 1.2. Илмий раҳбар тақризини ёзиш намунаси  
Битирув малакавий ишига

### ТАҚРИЗ

Талаба \_\_\_\_\_ гуруҳ \_\_\_\_\_

Ихтисослик \_\_\_\_\_

Университет \_\_\_\_\_

Битирув малакавий иши мавзуи \_\_\_\_\_

Илмий раҳбар \_\_\_\_\_

тақриз матни \_\_\_\_\_

Умуман олганда, мазкур иш БМИлар олдига қўйилган барча талабларга тўла жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия қилиш мумкин

Сана \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_\_ йил

Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_

Тақриз матнида қуйидаги жиҳатлар албатта қайд этилиши керак: тадқиқот мавзуининг долзарблиги, ишда кўриладиган асосий муаммолар, энг қизиқ тадқиқ қилинган масалаларни ажратиб кўрсатиш; ишнинг илмий ва амалий қимматини таъкидлаш; сўнгра битирув малакавий ишининг камчиликларини кўрсатиш керак.

Тақриз хулосасида иш қўйилган талабларга жавоб бериш-бермаслиги, ишни ҳимояга тавсия қилиш мумкинлиги каби масалалар кўрсатилади.

Илова I.3. Кафедранинг хулосаси. Кафедра томонидан бериладиган анъганавий мажлис қайдномаси ўрнига талаба битирув малакавий иши муҳокамасининг қуйидаги шаклини тавсия қиламиз

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, 2-инглиз  
филологияси факультети

IV курс 425-гуруҳ талабаси Ш.Йўлдошеванинг “Раанги билдирувчи ўзлаштирма сўзларнинг этимологик таҳлили” мавзuidaги битирув малакавий ишига инглиз тили лексикологияси кафедрасининг

#### ХУЛОСАСИ

Мазкур битирув малакавий иши инглиз тили лексикологияси кафедрасининг 2005 йил 25 апрелдаги йиғилишида муҳокама қилинди ва ДАҚда ҳимоя қилинганга тавсия этилди.

Лексикология кафедраси мудир

А.Ғ.Мақсумов.

“ \_\_\_\_\_ ” 2005



Илова I.4. Малакавий ишга тақриз.

2-инглиз филологияси факультети IV курс 428-гурух талабаси  
А.Ибрагимованинг “Ҳозирги замон инглиз тилида иш-ҳаракатини  
ифода этувчи воситалар “ мавзуидаги битирув малакавий ишига  
ТАҚРИЗ

Ҳозирги замон тилшунослигининг кейинги пайтдаги тадқиқот йўналиши тилни ҳаракатда, ижтимоий мулоқот воситаси сифатида ўрганишга қаратилганлиги муносабати билан функционал тадқиқотлар диапазони кенгайтириш тақозо этилади. Бу эса тилнинг турли сатҳлари бирликларини конкрет нутқ актларида қўлланилишини тадқиқ этишни муҳим масала сифатида намоён қилади. Тил белгиси маъносининг тил функционал томони билан чамбарчас ҳолда ўрганилиши бугунги кун тилшунослигининг асосий йўналиши бўлиб қолди. Шундан келиб чиққан ҳолда битирувчи иш-ҳаракатини ифода қилишнинг айрим усуларини тадқиқ қилади, чунки инглиз тилида бевосита шу нарса билан боғлиқ бир вақтнинг ўзида ҳолат ва сифат, иш-ҳаракати ва сифатни билдирувчи феъллар мавжуд. Улар нутқда қўлланилганда кесим сифатида ҳолат ва иш-ҳаракати маъносини билдиради, лекин шу билан бир вақтда улар шахс ёки нарсанинг муайян бир хусусиятини ўзида мужассамлаштирган бўлиши мумкин, бу изланиш мавзусининг долзарблигини белгилаб беради. Тадқиқот қўлёзмаси кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқотнинг биринчи боби “Синтактик қурилмалар семантикаси” гаплар мазмун томонининг, кесим турларининг таҳлилига, мазмун режасининг қўлланилишига бағиншланган. Гап актуал бўлиниш нутқга назаридан (тема-рема) илмий ва ташқидий таҳлил қилинади. Таҳлил мобайнида синтактик қурилмаларининг семантик ахборот турлари аниқланади. “Ҳозирги замон инглиз тилидаги иш-ҳаракатини ифодаловчи айрим усуллар“ деб аталган иккинчи боб ҳам алоҳида қизиқини уйғотади. Бу ерда битирувчи иккинчи даражали юкламаги бажарувчи феъл аъзосининг предикатив шакли орқали грамматик маъноси аниқланади, деган тезисни тадқиқотнинг асоси деб қабул қилган ҳолда, кесимнинг лексик мазмуни иккинчи элемент от қисм ва худди ўша от асосий информатив юкламаги бажарилини эътиборга олиб, do+NV(-ing) қурилишга эга бўлган гапларни таҳлил қилади. Таҳлил гапнинг синтактик тузилиши ва унинг семантик тузилиши ўртасида амалга оширилади. Таҳлил натижасида муаллиф феъллик хоссасининг йўқлиги иш-ҳаракатини билдиришда отланиш кабиларни кузатган ҳолда мазкур

семантик қурилманинг кенг тарқалганлиги, лекин таҳлил қилинган мазмуний ва синтактик қурилмалар ўртасида асимметрия мавжудлиги тўғрисидаги хулосага келади.

Талаба 20 та илмий манбани ўрганиб чиққан ва мазкур тадқиқотнинг асосий ҳукмлари, О.М.Москальская, В.В.Бурлакова, Г.В.Колшанский, М.М.Фальковичлар қарашларига асосланган. Иш ҳажми 55 бетни ташкил этади ва адабиётлар рўйхатида фойдаланилган манбалар келтирилган.

Тадқиқот ва унинг натижаларининг янгилиги шундан иборатки, бу ерда ўрганиладиган тузилмалар ва уларнинг маъноси do+NV(-ing) тузилишига эга бўлган структуралар “Mr Kettle and Mrs Moon” В.Пристли асари асосида амалга оширилган.

Шундай қилиб, мазкур иш айрим синтактик қурилмалар семантикасини ўрганиш бўйича қимматли назарий ва амалий материалларни ўз ичига олган бўлиб, буларнинг барчаси назарий грамматика фанидан ўтказиладиган семишар машғулотларида ва талабалар билан мустақил ишларни ташкил этишда — бадиий асарларни ўқитиш орқали улар билимини ривожлантиришда фойдали бўлиши мумкин.

Шу билан бирга мазкур ишда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас.

1. Мазкур ишда структуравий-функционал таҳлил методи потўғри таърифланган, шунинг учун талаба томонидан қўлланилган методни “структуравий-функционал таҳлил” эмас, балки унда гаининг тема-рематик ташкилланиши ўрганилганлиги учун уни “актуал бўлиниш” методи деб номлаш керак эди.

2. Иккинчи боб “Иш-ҳаракатини ифода этувчи айрим усуллар” деб номланган бўлса-да, бу ерда фақат битта модел ўрганилган, холос.

3. Ишда техник хато ва камчиликлар бор. (14,16,37,41 – бетлар). Иқтибосларни расмийлаштириш талабалар илмий ишлари олдига қўйилган талаблар даражасига жавоб бермайди.

4. Мазкур иш муаллифи томонидан чет эл муаллифлари асарлари ва интернет материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Лекин мазкур камчиликлар мавжудлигига қарамай, иш керакли илмий савияда ёзилган, ишдаги хулосалари асослаб берилган, улар объектив характерга эга. Мазмуни ва ҳажми бўйича мазкур иш, БМИлар олдига қўйилган талабларга жавоб беради ва шунинг учун ушбу ишни ижобий баҳолаш мумкин.

Тақризчи

Ф.И.Ш.

Илова I.5.Оппонент тақризи.

Магистратура битирувчиси М.М. Ҳақимованинг “ Ўзбек тилида таълим олувчи талабалар ёзма ва оғзаки путқида инфинитивни қўлланга ўргатиш методикаси” мавзuidaги магистрлик диссертациясига.

### ТАҚРИЗ

Ўзбек тилида таълим олиб бориладиган гуруҳларда инфинитив ва унинг хусусиятларини ўргатиш муаммоси ҳозиргача ҳеч бир тадқиқотчи томонидан функционал ва прагматик ёндашув нуқтаи назаридан ўрганилмаган эди. Мана шунинг учун тақриз қилинаётган иш ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикаси фанининг энг долзарб масалаларидан бирига, аниқроғи, лисоний олий ўқув юртларида инглиз тилидаги инфинитивнинг грамматик категорияларини ўқитишга бағишланган, чунки чет тили ўқитишнинг энг асосий ёндашувлардан бири талаба коммуникатив компетенциясини ривожлантириш бўлиб, бу бевосита грамматик компетенцияга эга бўлишни тақозо этади.

Тузилиши жиҳатидан диссертация кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Биринчи боб грамматик сатҳда қиёсий тилшуносликдан лингводидактик мақсадларда фойдаланишнинг роли ва аҳамиятига бағишланган. Муаллиф томонидан айтилганидек, грамматикани ўргатишда қуйидаги ҳукмлар бошланғич қадам бўлиб хизмат қилиши керак:

1) биринчи навбатда, намоиш қилинаётган грамматик ҳодисанинг шакли, маъноси ва қўлланилиш қоидалари таништирилиши лозим; 2) мазкур грамматик шакл, яъни унинг шакли ва маъноси фақатгина контекст ўраидан чиқариб олинади; 3) грамматик ҳодиса путқининг оғзаки ва ёзма шаклларида фаоллантирилиши керак; 4) муайян грамматик ҳодисани гуруҳлаш ўша ҳодисани она тилидаги мувофиқ келувчи ҳодиса билан қиёсланган ҳолда асослангани керак.

Юқорида айтиб ўтилган ҳукмлардан келиб чиқиб, диссертант инглиз тилидаги герундий, сифатдош ва инфинитивнинг грамматик хусусиятларини ва путқидаги синтактик хусусиятларини батафсил ўрганади. Инглиз тилидаги инфинитив икки ёқлама табиатга эга бўлганлиги муносабати ва унинг отлик ва феъллик хоссалари путқида намоён бўлганлиги муносабати билан унинг эга, тўлдирувчи, аниқловчи, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли вазифаларини бажариши диссертант

томонидан ўрганилади. Диссертант алоҳида эътиборни инфинитивнинг замон ва нисбат сингари хусусиятларига қаратади.

Иккинчи бобда муаллиф лисоний олий ўқув юртлари учун грамматик материал танлаш ва унибу масалани таҳлил қилиш талабларини аниқлашга ҳаракат қилади. Лисоний ОЎЮда инглиз тили грамматикасини ўқитишнинг лингвистик компонентлари батафсил таҳлил қилинади. Ўзбек тилидаги ҳаракат номининг структуравий семантик хусусиятларини ўрганишда диссертант А.Фуломов, И.Расулов ва М.Мирзаев қарашларига суянади. Бу ерда у инфинитивни ўзбек ўқувчиларига ўқитишда юз берадиган интерференция ҳодисасининг кузатилиши ҳақида гапириб ўтади, яъни талабалар оғзаки ва ёзма пуктқида инфинитивни ишлатишда юзага келадиган типик ҳодисаларнинг табиати очиб кўрсатилади. Методист оғзаки ва ёзма пуктқнинг грамматик томонларини ўқитишда инфинитив устида ишлатишнинг ўзига хос методикасини ишлаб чиқади. Ишнинг якуловчи қисми инфинитивни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Асосий хулосалар объектив характерга эга ва улар асосланган, чунки инфинитивли қурилмаларни ўзбек тилига таржима қилишда унинг отлик ва феъллик хусусиятлари яққол намён бўлади. Бу эса ишнинг янгилиги ҳамда назарий аҳамиятидан далолат беради. Мазкур тадқиқот муаллифи инфинитивнинг таржимаси ҳақидаги илмий адабиётларни синчиклаб ўрганиган (8 نومدا) ва бадий адабиётларни таҳлил қилиб чиққан (8 نومда).

Тадқиқотда инфинитивнинг структуравий-семантик, функционал хусусиятларининг назарий масалалари ҳақидаги фикрлар Ж.Бўронов, Б.Ильин, М.Я.Блох, Ф.Саломов, Л.С.Бархударовнинг таржимага оид ишлари ҳамда Т.Р.Левицкая, В.Н.Комиссаров қарапларига асосланган ва бу диссертация библиографиясида ўз аксини тошган.

Мазкур диссертациянинг тили ва услуби раvon, тушунарли, фикрлар дўнда ва ашиқ.

Лекин шу билан бирга мазкур ишда бир қатор камчиликлар ҳам йўқ эмас:

1) ишнинг амалий қисмида инфинитивни ўқитишга доир машқлар тузилиши масаласини батафсил кўриб чиқиш маъқул бўларди;

2) мазкур ишда грамматикани ўрта мактабда ўргатилиши ҳақида гап боради ва олий ўқув юртларида ўқитилиши ҳақида юзаки фикрлар билдирилади, холос. Филологик йўналишдаги олий ўқув юртлар тажрибасини таҳлил қилиш билан чекланиш мумкин эди.

3)грамматик ҳодисага ўргатиш методикаси ва таржиманинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқотнинг турли йўналишлари ҳисобланади. Иншда инфинитивнинг таржимаси ҳақидаги муаммони умуман муҳокама қилмаслик лозим эди.

4)Иншда кўпгина орфографик ва услубий кимчиликлар ҳам учрайди(масалан: матида ва библиографияда Б.Ильин ўрнига Ильин, Чахоян ўрнига Чехоян ва ҳ.к. ).

Аmmo кўрсатилган камчиликлар принципиал характерга эга эмас. Мазкур диссертация лисоний олий ўқув юртларида инглиз оғзаки ва ёзма нутқининг грамматик соҳаларига ўргатишда назарий аҳамиятга эга. Бу иш магистрлик диссертациялари олдига қўйиладиган барча талабларга жавоб беради.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда М.М.Ҳақимованинг диссертациясини ижобий баҳолаш мумкин.

Ошпопет

Ф.И.Ш.

Илова 1.6. Магистрлик диссертацияси аннотацияси.

Рустам Абдуллаевич Мирсаидовнинг “Сўзлаб бериш лисоний олий ўқув юртлари қўйи курслари инглиз гуруҳи талабалари оғзаки монологик пукқини ривожлантириш шакли сифатида” 5А 220002 — Лингвистика (инглиз тили) ихтисослиги бўйича филология магистри академик даражасини олин учун ёзилган диссертацияси

### АННОТАЦИЯСИ

Мазкур диссертация лисоний олий ўқув юртлари қўйи курс талабалари инглиз оғзаки монологик пукқини ўргатиш ва ривожлантиришнинг оптимал йўллариини топишга бағишланган. Оғзаки пукқини ўргатиш усуллари қўйи бўлганлиги учун уларнинг самарадорлик пукқини назаридан ўрганиб чиқилиши зарурий бир ҳолдир.

Мазкур диссертация бадий матнларни сўзлаб беришни талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки пукқини ўстириш воситаси сифатида қарашни илмий жиҳатдан асослаб бериш йўлидаги уринишдир.

Мавзунинг долзарблиги сўзлаб беришнинг турли шакллари: батафсил, таплаган, қисқа ва бошқалардан фойдаланишнинг аҳимийги ҳозирги пайтда кескин ортганлиги ва сўзлаб бера олин малакасини шакллантириш коммуникатив потенциални шакллантиришнинг таркибий қисмларидан бири эканлиги билан асосланади.

Изданишнинг илмий янгилиги бадий матнга асосланган ҳолда монологик пукқини ривожлантирувчи машқлар ва топшириқлар системасини методика фани пукқини назаридан ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Диссертация кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг тапганини асосланиб, унинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари ёритиб берилади.

Биринчи бобда ўрганилаётган мавзу бўйича адабиётлар таҳлил қилинади, тадқиқот муаммоси пукқини назаридан амалдаги дастурлар ва дарсликлар таҳлил қилинади. Монологик пукқини тавсифига аниқлик киритилади.

